

**ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.28.06.2018.T.73.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

**БАЯНОВ ИЛДАР НАЗИПОВИЧ**

**ЮҚОРИ ТЕЗЛИКЛИ ЭЛЕКТР ҲАРАКАТ ТАРКИБИ ТОК ҚАБУЛ**  
**ҚИЛГИЧИ ВА КОНТАКТ ТАРМОҒИНИНГ ЎЗARO ТАЪСИРИНИ**  
**ТАДҚИҚ ЭТИШ**

**05.08.05 – Темир йўллар ҳаракат таркиби, поездларни тортиш ва**  
**электрлаштириш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по техническим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on  
Technical Sciences**

**Баянов Илдар Назипович**

Юқори тезликли электр ҳаракат таркиби ток қабул қилгичи ва контакт тармоғининг ўзаро таъсирини тадқиқ этиш ..... 3

**Баянов Илдар Назипович**

Исследование взаимодействия токоприемника и контактной сети при высокоскоростном движении электроподвижного состава ..... 23

**Bayanov Ildar Nazipovich**

Research of interaction of the current collector and the contact lines at the high-speed movement of the electric rolling stock of vehicles ..... 41

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works..... 44

**ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.28.06.2018.Т.73.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

**БАЯНОВ ИЛДАР НАЗИПОВИЧ**

**ЮҚОРИ ТЕЗЛИКЛИ ЭЛЕКТР ҲАРАКАТ ТАРКИБИ ТОК ҚАБУЛ  
ҚИЛГИЧИ ВА КОНТАКТ ТАРМОҒИНИНГ ЎЗARO ТАЪСИРИНИ  
ТАДҚИҚ ЭТИШ**

**05.08.05 – Темир йўллар ҳаракат таркиби, поездларни тортиш ва  
электрлаштириш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2019.1.PhD/Т1030 рақами билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент темир йўл муҳандислари институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз тилида (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tashiit.uz](http://www.tashiit.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган

**Илмий раҳбар:**

**Амиров Султон Файзуллаевич**  
техника фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Гайибов Тулкин Шерназарович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Валиев Мухаммад Шералиевич**  
техника фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**«Ўзбекэнерго» АЖ «Илмий-техника  
маркази» масъулияти чекланган  
жамияти**

Диссертация ҳимояси Тошкент темир йўл муҳандислари институти ҳузуридаги PhD.28.06.2018.Т.73.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100167, Тошкент ш., Одилхўжаев кўчаси, 1-уй. Тел.: (99871) 299-00-01; факс: (99871) 293-57-54; e-mail: [tashiit\\_rektorat@mail.ru](mailto:tashiit_rektorat@mail.ru).)

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси билан Тошкент темир йўл муҳандислари институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100167, г Тошкент, Одилхўжаев кўчаси, 1-уй. Тел.: (99871) 299-00-01; 293-57-54.

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.  
(2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги №\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**А.И. Адилходжаев**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

**Я.О. Рузметов**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.н., доцент

**Ш.С. Файзибаев**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар раиси  
т.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда юқори тезликда ҳаракатланувчи поездлар ҳаракат ҳавфсизлиги таъминлаш, уларнинг ҳаракат таркибга узлуксиз электр энергия таъминлашда янги турдаги контакт осма мосламаларини ишлаб чиқиш, поездлар ҳаракат жадвалининг мутадиллигини таъминлашда поезд таркибининг ток қабул қилгичи ва контакт тармоғи билан ўзаро таъсирининг тизимини модернизациялаш етакчи ўринни эгалламоқда. Ушбу йўналишда электрлаштирилган темир йўллар контакт тармоқлари таранглигини ростловчи ҳамда масофадан назоратловчи ўлчов-асбоблар, қурилмаларни ишлаб чиқиш, контакт тармоқларининг қайд қилувчи қурилма, контакт осма симларининг конструкцияларини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада ривожланган мамлакатларда, жумладан, АҚШ, Франция, Германия, Япония, Хитой ва бошқа давлатларда, темир йўл транспортида юк ва йўловчи ташишни самарадорлиги оширувчи технология ва контакт тармоқ қурилмаларини модернизациялаш ҳамда бошқариш қурилмаларини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жаҳонда электрлаштирилган темир йўлларда поезд таркибининг ток қабул қилгичи ва контакт тармоғи билан ўзаро таъсирининг тизимини назоратловчи ўлчов асбоб ва қурилмаларини яратиш ҳамда уларнинг ишончлилиги ва сифатини оширувчи усулларни ишлаб чиқиш бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, жумладан поезд таркибининг ток қабул қилгичи ва контакт тармоғи билан ўзаро таъсирининг параметрларини аниқловчи тебранишларни ўлчовчи датчик элементлари ишлаб чиқиш, контакт осма симларнинг ҳолатини назоратловчи ўлчов асбобларини яратиш, контакт осма мосламасини тадқиқ қилишда тўпламали юкламалар усулини ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланмоқда. Шу билан бирга юқори тезликда ҳаракатланувчи поездларнинг контакт осма симлар таранглик қийматларининг сифатли ток олиш мезонларига таъсирини аниқловчи усулларини ишлаб чиқиш зарур ҳисобланмоқда.

Республикамызда турли транспорт соҳаларини ривожлантириш, жумладан юқори тезликда ҳаракатланувчи поездларнинг технологик параметрларини назорат қилиш ва бошқаришнинг янги турдаги техник воситаларини ишлаб чиқиш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «...миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, иқтисодиётнинг энергия ва ресурс сиғимини қисқартириш, энергия тежовчи технологияларни ишлаб чиқаришга кенг татбиқ этиш, қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш, ...»<sup>1</sup> вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифаларни амалга ошириш, жумладан контакт тармоғининг фактик ҳолатини ахборот-ҳисобий комплекси яратилган ўлчов-ҳисобий структура схемаси сифатида ишлаб

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони

чиқиш, контакт осма симларида тўлқинли жараёнларни ҳисоблаш усуллари ишлаб чиқиш, контакт осма симларининг меъёрий тебраниши ва турли тортиш режимларидаги электр ёй жараёнларини акс эттирувчи математик моделлар ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси «Темир йўл транспорти тўғрисида»ги Қонуни (1999), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2018 йил 27 апрелдаги ПҚ-3682-сон «Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни амалга татиқ этиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Электр транспортининг юқори тезликдаги ҳаракатида контакт тармоғидан ток олишнинг сифати ва ишончлилигини ошириш бўйича долзарб масалаларни ечиш ва техник ечимлар бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ҳамда олий таълим муассасалари томонидан, жумладан Токио университетининг Сайсан Кэнкю лабораториясида, Оксфорд университетининг Математика институтида, Royal Aircraft Establishment компаниясида (Буюк Британия), FEG-Telefunken фирмасида ҳисоблаш машиналарини математик таъминлаш илмий-техник марказида (Майна бўйидаги Франкфурт), Россия давлат транспорт университети (МИИТ), АОЖ «Темир йўл транспорти илмий-тадқиқот институти», Омск транспорт муҳандислари институтида амалга оширилмоқда.

Ток олиш муаммоларини ҳал этишга А.Cipriani, A.Kazimierczak, H.Grimrath, F.Kiessling, И.А.Беляев, Н.А.Буше, И.И.Власов, Л.А.Вислоух, В.А.Вологин, К.Г.Марквардт, В.П.Михеев, А.В.Плакс, И.Я.Сегал, В.Е.Чекулаев каби олимлар, шунингдек бошқа олимлар ва мутахассислар ўзларининг салмоқли ҳиссаларини қўшганлар.

Ушбу мутахассисларнинг саъй-ҳаракатлари билан ҳисоб схемаларида ток қабул қилгич ва контакт османинг сўндириш хусусиятларини қайд қилиш принциплари ишлаб чиқилган, муҳим руҳсат беришлар асосланган, бир қанча ток қабул қилгичларнинг ўзаро таъсирлари кўриб чиқилган. Шу билан бирга, ушбу тадқиқот ишларида ток қабул қилгичдан ўтишда контакт тармоғдаги тўлқинли жараёнларнинг таъсири етарли даражада олиб борилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент темир йўл муҳандислари институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг №7-«Электр транспортининг юқори тезликдаги ҳаракатида ток қабул қилгич ва контакт тармоқнинг ўзаро таъсири» (2012-2014) ва №11 «Электр транспортининг юқори тезликдаги ҳаракатида электр

энергияси йўқотишларини оптималлаш-тириш» (2014-2016) мавзуларидаги Давлат лойиҳалар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** юқори тезликда ҳаракатланувчи поездларнинг ток қабул қилгичи ва контакт тармоғи билан ўзаро таъсирининг техник ечимларини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот вазифалари:**

электр транспортининг юқори тезликдаги ҳаракатида ток олишнинг хавфсизлиги, авариясизлигини ва сифатини ошириш йўллари аниқлаш;

электр транспортининг юқори тезликдаги ҳаракатида босим кучини рационалаштириш ҳисобига электр ҳаракатланувчи таркиб ток қабул қилгичнинг контакт сими билан ишончли контактини амалга ошириш;

ток қабул қилгичи ва контакт симининг динамик ўзаро таъсирини рухсат беришлар миқдорини камайтириш ва янги информацион технологияларни қўллаш ҳисобига аниқликни оширувчи ҳисоблаш усулини ишлаб чиқиш;

контакт осма мосламасининг нормал тебранишларининг математик моделини яратиш.

**Тадқиқот объекти** юқори тезликдаги ҳаракат учун ток қабул қилгичлар ва контакт осмалар.

**Тадқиқот предмети** юқори тезликдаги темир йўл контакт тармоқ ва ток қабул қилгичининг ўзаро таъсири жараёнлари олинган.

**Тадқиқот усуллари.** Excel, Maple ва MathCAD дастурлари ёрдамида тадқиқотнинг аналитик методлари ҳамда контакт османинг тебранишларини математик моделлаштириш усуллари, контакт осма симлари тебранишларининг гармоникаларини таҳлил қилиш ҳамда экспериментал функцияларини Фурье қаторида ечиш усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

контакт тармоғининг фактик ҳолатини ахборот-ҳисобий комплекси яратилган ўлчов-ҳисобий структура схемаси сифатида ишлаб чиқилган;

160 дан 250 км/соат гача бўлган тезликда контакт осма симлар таранглик қийматларининг сифатли ток олиш мезонларига таъсири контакт осма ва ток қабул қилгич ўзаро таъсир тенграмаси ёрдамида аниқланган;

контакт осма симларида тўлқинли жараёнларни ҳисоблаш усуллари ишлаб чиқилган ва «ток қабул қилгич–контакт осма» тизимидаги резонанснинг вужудга келиш сабаблари ишлаб чиқилган алгоритм ёрдамида аниқланган;

ортомеъёрланган функциялар тўлиқ тизими бўйича ёйиш функцияси ёрдамида контакт осма тарқалувчи тўлқинлар тўплами характеристикаси аниқланган;

контакт осма симларининг меъёрий тебраниши ва турли тортиш режимларидаги электр ёй жараёнларини акс эттирувчи математик моделлар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

юқори тезликли контакт осмаларда симларнинг таранглик қийматини ҳисоблашда ток қабул қилгич ва контакт осма ўзаро таъсирининг тенграмаси ишлаб чиқилган;

«ток қабул қилгич–контакт осма» тизимида резонанс пайдо бўладиган сабабларни бартараф этиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилган;

вертикал миъёрий тебраниши ва «ток қабул қилгич–контакт осма» тизимида турли тортиш режимларидаги электр ёй жараёнларини акс эттирувчи математик моделлар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончилиги ток қабул қилгич таъсирида контакт симнинг осилиши ва таранглигининг ўзгариши ҳамда «ток қабул қилгич–контакт сим» сирпанувчи жуфтликнинг электр майдонини ҳисоблаш усули, ток қабул қилгичнинг контакт осма билан ўзаро таъсирини моделлаштириш ҳамда контакт османи тақсимланган параметрларга эга тебраниш тизими сифатида кўриб чиқилгандаги ток олиш динамикасини ҳисоблаш усули ишлаб чиқилганлиги, замонавий воситалари ва усулларни қўллаш орқали асосланади ҳамда олинган назарий ва экспериментал тадқиқотларнинг ўзаро мос келиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти 160 дан 250 км/с гача бўлган тезликда контакт осма мосламаси таранглик қийматларининг сифатли ток олиш мезонларига таъсирини аниқлаш ҳамда КТ симларида тўлқинли жараёнларни ва «ток қабул қилгич – контакт осма» тизимидаги резонанснинг вужудга келиш шароитларини ҳисоблаш усулларининг ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти таянч троссинг рационал таранглиги катталигини аниқлаш бўйича тадқиқот натижалари таянч троссинг узоқ муддат ишлашини таъминлаши, контакт осма мосламанинг барча турдаги таъмирлаш ишлари, унга хизмат кўрсатишга сарфланадиган харажатларини ва вақтини камайтириш ҳамда капитал таъмирлаш ишлари орасидаги муддатни узайтириши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Электр ҳаракатланувчи таркибнинг юқори тезликда ҳаракатланишида ток қабул қилгич ва контакт османинг ўзаро таъсирининг техник ечимларини ишлаб чиқиш бўйича олинган натижалари асосида:

160 дан 250 км/с гача бўлган тезликда контакт осма симлар таранглик қийматларининг сифатли ток олиш мезонларига таъсирини аниқловчи ҳисоблаш усули «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ тассаруфига кирувчи темир йўл линияларига тадбиқ этилган («Ўзбекистон темир йўллари» АЖнинг 2019 йил 22 августдаги НГ/4853-19-сон маълумотномаси). Натижада юқори тезликдаги ҳаракат объектлари контакт симининг ейилишини икки баробар камайтириш имконини яратган;

контакт осма симларининг меъёрий тебраниши ва турли тортиш режимларидаги электр ёй жараёнларини акс эттирувчи математик моделлари «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ тассаруфига кирувчи Тошкент-Самарқанд темир йўл линиясига тадбиқ этилган («Ўзбекистон темир йўллари» АЖнинг 2019 йил 22 августдаги НГ/4853-19-сон маълумотномаси). Натижада

Тошкент-Самарқанд темир йўл участкасида маълум ўлчамли ток ўтказувчи торларни қўллаш имконини берган;

юқори тезликдаги темир йўллар (контакт тармоғи қурилмалари)ни электрлаштиришда қурилиш ва монтаж ишлари (ВСН-446-Н), юқори тезликдаги темир йўл контакт тармоқлари лойихалаш (ВСН-447-Н), Ташкент-Самарқанд юқори тезлик темир йўл линияларининг инфраструктурасини (ВСН-448-Н) ишлаб чиқариш ва қабул қилиш бўйича идораларнинг қурилиш техник кўрсатмалар «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ тассаруфига кирувчи электр таъминот хизматига тадбиқ этилган («Ўзбекистон темир йўллари» АЖнинг 2019 йил 22 августдаги НГ/4853-19-сон маълумотномаси). Натижада контакт тармоғининг консолларида полимер изоляторларини қўллаш имконини берган. Узлуксиз ишлаши беш баробар кўпайиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 15 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро ва 13 та республика анжуманларида синовдан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш, жумладан 1 та хорижий ва 4 та республика даврий Ўзбекистон Республикаси ОАК томонидан тавсия қилинган илмий журналларида мақолалар чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш қисми, тўртта боб, хулоса, адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ишининг ҳажми 111 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ишнинг долзарблиги асосланган, масаланинг ҳолати ёритилган, тадқиқот мақсади ва вазифалари шакллантирилган, тадқиқот объекти ва предмети ифодаланган, республика фан ва технологиялар ривожланиши устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, ишнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти асосланган, диссертация тадқиқоти натижаларининг ишлаб чиқаришга ҳамда ўқув жараёнига жорий қилиниши кўрсатилган.

**“Электр ҳаракатланувчи таркибнинг юқори тезликда ҳаракатланишида ток қабул қилгичнинг контакт осма билан ўзаро таъсирини ўрганиш бўйича мавжуд тадқиқотлар обзори»** номли биринчи бобда юқори тезликдаги ҳаракатни ташкил этиш тўғрисидаги умумий маълумотлар келтирилган, ток қабул қилгич (ТҚК) ва контакт тармоғнинг (КТ) ўзаро таъсири масаласини ўрганишнинг таҳлили бажарилган, Ўзбекистоннинг темир йўлларида юқори тезликдаги ҳаракатнинг ривожланиши кўриб чиқилган, шунингдек ток олишга қўйиладиган техник талаблар таҳлили амалга оширилган.

Кенг қўлланадиган ҳисоблаш усуллари ток олишдаги реал жараёнларни акс эттирмаслиги аниқланди, боиси контакт осма (КО) симларида тўлқинли

жараёнлар ҳисобга олинмайди. Юқори тезликда ҳаракатланишда ток олишни яхшилаш учун ТҚҚнинг КС билан ишончли контакти катта аҳамиятга эга, бундай контакт эса уларнинг бир-бирига барқарор тегиб туришида содир бўлади. Кучсиз босиш электр ёйни келтириб чиқариб, бунда контактланувчи элементлар юмшаб кетади. Кучли босиш контакт сим ва ток қабул қилгичнинг механик емирилишини кучайтиради ва ТҚҚнинг контакт осма элементлари билан тўқнашиш эҳтимолини келтириб чиқаради.

Барқарор ток олишни аниқловчи қийматларнинг муайян интервали  $\Delta P_k$  да контактли босишни ушлаб туриш масаласи вужудга келади, бироқ мазкур интервал ТҚҚ ва КСнинг ҳар хил турлари учун бир хил бўлмагани боис,  $\Delta P_k$  интервалини рационалаштириш талаб этилиши кўрсатилган.

ТҚҚнинг КСга босилиши иккита ифода орқали аниқланади:

$$а) \text{ ток қабул қилгични кўриб чиқишда: } P_k = P_0 + P_A \pm P_{\text{дин.т}} \pm P_{\text{тр.т}}, \quad (1)$$

$$б) \text{ контакт османи кўриб чиқишда: } P = \frac{\Delta y}{\eta} \pm P_{\text{дин.к}} \pm P_{\text{тр.к}}, \quad (2)$$

бу ерда  $P_0$  – ТҚҚнинг юқори узелига келтирилган ТҚҚ пружиналарининг босиш кучи, Н;  $P_A$  – ТҚҚга таъсир қилувчи тўлиқ аэродинамик куч, Н, (у кўтариш кучи  $P_y$ , қарама-қарши йўналган қаршилик  $P_x$ , и ТҚҚга шамол таъсир этишининг ёнлама кучи  $P_z$ );  $P = -m_0 \frac{4\pi V^2}{l^2} y$ , – ТҚҚнинг динамик кучлари, Н;  $m_0$  – КОнинг келтирилган оғирлиги, кг;  $y$  – КОнинг вертикал силжиши, м;  $V$  – ЭҲТнинг ҳаракатланиш тезлиги, км/с;  $l$  – таянчлараро оралиқ узунлиги, м;  $P_{\text{дин.к}}$  – КОнинг динамик кучлари, Н,  $P_{\text{тр.т}}$  – контакт нуқтасига келтирилган ТҚҚнинг жами ишқаланиш кучлари, Н;  $P_{\text{тр.к}}$  – контакт нуқтасига келтирилган КОнинг жами ишқаланиш кучлари, Н;  $\Delta y$  – ТҚҚ таъсири остида контакт симнинг кўтарилиши, м;  $\eta$  – КО эластиклиги, мм/Н.

$m_0$  катталиги таянчлараро оралиқ бўйича муқим эмас, у османинг эластиклигига боғлиқ, шу боис унинг ўртача қийматидан фойдаланиш зарурлиги аниқланди. «Контакт тармоқ – ток қабул қилгич» тизимининг бир қанча моделлари қўлланиши аниқланди, шунга боғлиқ ҳолда  $m_0$  катталигини аниқловчи ҳисоб формулаларининг бир қанча турларидан фойдаланилади. СИ тизимида формула қуйидаги кўринишга эга:

$$m_0 = 0.055 \sqrt{g_k l \left(1 - \frac{a}{2.5}\right) \left(\frac{P_0 + PF_Y}{g}\right)}, \quad (3)$$

бу ерда  $g_k$  – бир метр контакт симнинг оғирлиги, кг/м;  $P_0$  ва  $P_Y$  – ток қабул қилгичга унинг пружиналаридан тушадиган босиш кучлари, Н;  $g$  – эркин тушишнинг тезлашиши, м/с<sup>2</sup>.

Ток олиш сифати кўпгина параметрлар билан баҳоланиши аниқланди, улардан бир ТҚҚнинг ажралиш коэффицентидир:

$$k_{\text{от}} = (\sum t_{\text{от}} / t) \cdot 100\%, \quad (4)$$


бу ерда  $\sum t_{\text{от}}$  – механик контакт бузилишининг жами давомийлиги, с;  $t$  – мазкур КТ участкасидан ТҚҚнинг ўтиш вақти, с.

**«Электр транспортининг юқори тезликда ҳаракатланишида контакт тармоқни яхши сақлаш сифатини баҳолаш ва прогнозлаш принциплари»** номли иккинчи бобда электр транспортининг юқори тезликда

ҳаракатланишида ток олиш тизими ҳолатини назорат қилиш мониторинги келтирилган, юқори тезликда ҳаракатланишда ТҚҚ ва КОнинг асосий параметрлари тадқиқ этилди ва юқори тезликда ҳаракатланишда ток қабул қилгичнинг вертикал силжишларини ҳисоблаш методикаси ишлаб чиқилди.

Меъёрий маълумотлардан техник оғишиш ҳамда уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва уларни бартараф этишнинг иқтисодий асосланган усулларини аниқлаш мақсадида КТнинг ўлчанаётган параметрларини комплекс таҳлил қилиш тизими мониторингнинг техник воситаси бўлиб ҳисобланиши аниқланди.

Ишлаб чиқилган ахборот-ўлчов комплексининг умумий схемаси таклиф қилинди (1-расм). КТни техник диагностика қилиш воситалари махсус мослама ва қурилмаларнинг комплексини намоён этади. Алоҳида параметрларни узлуксиз назорат қилиш, яъни компенсацияловчи мосламалар ишини назорат қилиш, симларнинг иссиқлик ҳимояси ва бошқалар учун ичига ўрнатилган мосламалардан фойдаланилади.



**1-расм. Ахборот-ўлчов комплексининг умумий тузилиши схемаси**

КТнинг ишончлилиги асосан миқдорий ва сифат тавсифлари билан аниқланиши кўрсатилган. Бундай тавсифларга элементларнинг тўхтамай (бузилмай) ишлаши, таъмирга яроқлилиги ва узоқ муддат хизмат қилиши киради.

2-расмда эксплуатация муддатларига боғлиқ ҳолда КТнинг бузилмасдан ишлаш эҳтимоли кўрсатилган. Мониторинг тизимининг маълумотлар базаси КТ мосламаларининг тўлиқ комплексини инобатга олиши зарурлиги аниқланди.

КОнинг ўзаро таъсирида таркибнинг ҳаракатланиш тезлиги ва локомотивнинг тебранишини ҳисобга олиш зарурати аниқланди. Икки томонлама ҳаракатланувчи ассиметрик ток қабул қилгичининг мутлақ ҳаракати кўриб чиқилган (3-расм).

$y_B$  контакт нуқтасининг ҳаракатланиш траекторияси  $A_1$  амплитудасига эга гармоник тебранишлар кўринишида берилиши мумкин, ушбу амплитуда унинг таянчлараро оралиқдаги тебраниш оралиғининг ярмига тенг. Контакт сим йўлга нисбатан  $\gamma$  бурчаги остида қия жойлашганда,  $B$  нуқтасининг вертикал координатаси қуйидагини ташкил этади:


$$y_B = h_{\dot{y}p} \pm x_B tg\gamma + \frac{A_1}{\cos\gamma} \sin kt \approx h_{\dot{y}p} \pm x_B tg\gamma + A_1 \sin kt, \quad (5)$$

бу ерда  $h_{\dot{y}p}$  – ток қабул қилгичнинг ўртача баландлиги;  $x_B$  –  $B$  нуқтасининг горизонтал координатаси,  $y$  ток қабул қилгич асосининг мос ҳолдаги координатасига тўғри келади;  $A_1$  – контакт нуқтасининг тебраниш амплитудаси;  $k$  – контакт нуқтаси вертикал тебранишларининг асосий частотаси.

Ток қабул қилгич асосининг вертикал тебраниши қуйидаги формула билан ифодаланади:


$$y_0 = A_2 \sin pt, \quad (6)$$

бу ерда  $A_2$  – ток қабул қилгич асосининг тебраниш амплитудаси;  $p$  – ток қабул қилгич асосининг вертикал циклик частотаси.



**2-расм. Режали ва бузилишлар олдини олиш учун таъмирлаш ишларини ўтказишда эксплуатация муддатига боғлиқ ҳолда контакт тармоғининг тўхтовсиз ишлаш эҳтимоллиги**

$c_k$  нинг қаттиқлиги КОнинг асосий параметрларидан бири эканлиги аниқланди. Қаттиқлик тавсифи контакт осма тури ва унинг асосий параметрлари билан белгиланиши аниқланди. Қаттиқлик функционал бўлиши ва берилаётган вертикал юкланиш билан нозизиқ боғланган бўлиши мумкин. Таянч тугун зонасида контакт осма қаттиқлигига ушлаб турувчи трос ва контакт симнинг таранглик кучи, рессор тросининг узунлиги, таянч ўқидан биринчи оддий торгача бўлган масофа таъсир этиши аниқланди.



**3-расм. Ток қабул қилгич вертикал силжишларининг умумий характери**

Анкер участкаси бўйлаб  $c_k$  нинг мутлақ қиймати таянчлараро оралиқнинг бошқа ўхшаш нуқталарида бир хил эмаслиги, бироқ улар осонлик билан ҳисобланиши аниқланди. Бундай ҳисоб контактдаги инерция жараёнларини тадқиқ қилиш учун зарур эмаслиги, бироқ симларнинг вертикал силжишларини аниқлашда зарурлигини кўрсатди.

**«Ҳаракатланишнинг максимал рухсат этилган тезлигида ток қабул қилгичнинг турли хил контакт осмалари билан ўзаро таъсирини ўрганиш»** номли учинчи бобда ток қабул қилгич таъсирида контакт симнинг осилиши ва таранглигининг ўзгариши ҳисобланган ҳамда «ток қабул қилгич – контакт сим» сирпанувчи жуфтликнинг электр майдонини ҳисоблаш методикаси ишлаб чиқилган, шунингдек «ток қабул қилгич – контакт осма» тизимида асосий тебранишлар кўриб чиқилган.

Ҳаракатланаётган электр ҳаракатланувчи таркибнинг ишчи ток қабул қилгичларини контакт босишдан КОда пайдо бўладиган вертикал тўлқинлар ток олиш сифатининг ёмонлашувига олиб келади, айниқса резонанс ходисалар вужудга келганда, ток олиш сифатининг пасайиб кетиши яққол намоён бўлиши аниқланди. Османинг таянч троси ва контакт сими мувозанат ҳолатида ўз оғирлигига эга ва  $Q$  юкланишини яратадиган толалар сифатида кўриб чиқилиши мумкин, ушбу юкланишнинг бир маромда тақсимланиши  $q = Q/l$  эса вертикал торлар ёрдамида амалга оширилиши аниқланди

(4,а-расм).  $y(x)$  эгри чизиғи,  $f_{св}$  осилиш катталиғи ва толанинг осилиш билан биргаликдаги  $L$  узунлиги тенгнамалари олинди:


$$y(x) = \frac{qx^2}{2K}; \quad f_{св} = \frac{ql^2}{8K}; \quad L = l \left[ 1 + \frac{8f_{св}}{3l} \right]^2 = l \left[ 1 + \frac{q^2 l^2}{24K^2} \right], \quad (7)$$

бу ерда  $K$  – контакт симнинг таранглик кучи, Н.

$q$  ва  $P$  юктамаларининг бир вақтнинг ўзида таъсир этиши натижасида (4,б-расм) тола орқали вужудга келган эгри чизиқ  $D$  нуктасида кесишадиган  $AD$  ва  $BD$  парабодаларининг иккита симметрик тармоғидан ташкил топганлиги кўрсатилган. (7) тенгнамани ҳисобга олган ҳолда  $q$  ва  $P$  юктамаларининг ифодаларини ўзгартириш орқали тарангликнинг горизонтал кучи ва осилиш стреласи учун қуйидаги ифода олинди:


$$K_{к.н} = \frac{K}{\sqrt{1+3\nu+3\nu^2}}; \quad (8)$$

$$f = f_{св} \frac{1-2\nu}{\sqrt{1+3\nu+3\nu^2}}. \quad (9)$$



**4-расм. Ток қабул қилгич устидаги якка контакт осмасининг контакт сими шакли**

КС-250-25UZ осмасининг контакт сими учун «Янгиер-Даштобод» юқори тезликда ҳаракатланиш участкасида  $P=80\dots 120$  Н куч билан контакт босишда ва  $f_{св}=30$ мм эркин осилишда  $K_{к.н}$  таранглик кучи катталиклари (5,а-расм) ҳамда  $U_{к.н}$  вертикал тўлқин тезликларини (5,б-расм) ҳисоблаш ишлари бажарилди. Ҳисоб-китоблар MathCAD дастурида бажарилди.



**5-расм. Ток қабул қилгич томонидан йиғиқ кучни йўналтириш соҳасидаги контакт симда локал таранглик (а) ва вертикал тўлқин тезлигининг (б) ўзгариши**

Локал таранглик эгри чизигининг таҳлили ТҚҚ контакт сим таранглигини дастлабки катталиқка нисбатан ўзгартиришини кўрсатди. Шунингдек, ТҚҚ тўлқинларнинг тарқалиш тезлигига ҳам таъсир қилиши аниқланди (5, б-расм).

КТ симига эга электр ҳаракатланувчи таркиб пантографининг туташиш зонасидаги электр майдон (6-расм) улар ўртасидаги ёйнинг ёнишига таъсир этади. Ушбу майдон иш жараёнида Пуассоннинг қуйидаги умумий тенгламаси орқали  $M(x,y,z)$  ихтиёрий нуқтада ДАС  $\varphi_1$  ва ЕАВ  $\varphi_2$  линияларининг зарядланиш потенциаллари кўринишида аниқланади:

$$\varphi_1 = \int_{-A}^{+A} \frac{\tau R dl_x}{2\pi\epsilon\epsilon_0 S_1} = C \int_{-A}^{+A} \frac{dx_1}{\sqrt{(x-x_1)^2+y^2+(z-z_0)^2}}; \quad (10)$$


$$\varphi_2 = \int_{-1}^{+1} \frac{\tau R dl_y}{2\pi\epsilon\epsilon_0 S_2} = C \int_{-1}^{+1} \frac{dy_1}{\sqrt{(x-a)^2+(y-y_1)^2-(z-z_0)^2}}, \quad (11)$$

бу ерда  $\epsilon_0 = 8,85 \cdot 10^{-12}$  Ф/м – электр доимий;  $\epsilon$  – муҳитнинг нисбий диэлектрик ўтказувчанлиги;  $C = R\tau/(2\pi\epsilon_0\epsilon U)$ .

Пуассон тенгламаларини бўлинмаларга бўлиб ечиш мос равишдаги чегаравий шартларни ҳисобга олган ҳолда қуйидаги кўринишда бажарилган:

$$\varphi_1 = C \ln \frac{\frac{(x+A) + \sqrt{(x+A)^2+y^2+(z-h)^2}}{(x-A) + \sqrt{(x-A)^2+y^2+(z-h)^2}}}{\frac{(x+A) + \sqrt{(x+A)^2+y^2+(z_1-h)^2}}{(x-A) + \sqrt{(x-A)^2+y^2+(z_1-h)^2}}}; \quad (12)$$

$$\varphi_2 = C \ln \frac{\frac{(y+1) + \sqrt{(x-a)^2+(y+1)^2+(z-h)^2}}{(y-1) + \sqrt{(x-a)^2+(y-1)^2+(z-h)^2}}}{\frac{(y+1) + \sqrt{(x-a)^2+(y+1)^2+(z_1-h)^2}}{(y-1) + \sqrt{(x-a)^2+(y-1)^2+(z_1-h)^2}}}. \quad (13)$$



**6-расм. Контакт тармоғи электр майдони потенциалининг тақсимланиш схемаси:**


А – ДАС контакт тармоғининг сими ва ЕАВ пантографи чанғиси ўртасидаги сирпанувчи уланма;  $S_1, S_2$  – маконнинг ихтиёрий  $M(x, y, z)$  нуқтасидан ДАС линиясидаги  $N_1(x_1, 0, h)$  нуқтасигача ва ЕАВ линиясидаги  $N_2(0, y_1, h)$  нуқтасигача бўлган масофа

Заряд электр майдони кучланишининг вертикал тақсимланиши потенциал функциясини дифференциаллаш орқали аниқланади:

$$E_{КС} = \frac{d(f_1)}{dz}; \quad E_{ТС} = \frac{d(f_2)}{dz}; \quad E_{КС+ТС} = \frac{d(f_1+f_2)}{dz}. \quad (14)$$

Олинган (12), (13), (14) тенгламалар ва уларнинг графиклари (7, а,б,в-расм) таҳлили потенциалнинг ихтиёрий М нуқтасида тақсимланиши контакт османинг параметрларидан қатъи назар бир хил шаклга эгаллигини

кўрсатди, шунингдек контакт симнинг осилиш баландлиги параметрларининг ортиши билан заряд электр майдони кучланишининг вертикал тақсимланиши ҳам ортади.



**7-расм. Контакт тармоғи электр майдони потенциаллари (а, б) ва кучланишларининг (в) тақсимланиши**


Олинган тенгламалар вужудга келадиган потенциалларни аниқлаш ҳамда электр магнит майдонининг қўшни линияларга, темир йўл автоматикаси, телемеханика ва алоқаси қурилмаларига халақит берувчи ва хавфли таъсиридан ҳимоялаш усулларини кўзда тутиш имконини беради.

Юқори тезликдаги ҳаракатланишда КТдаги тўлқинли жараёнлар кўриб чиқилган. Рессороти ТКҚ ва КОни икки даражали эркинликка эга тебраниш тизими сифатида намоён бўлиши кўрсатилган (8-расм).

Ушбу тизимдаги асосий тебранишларнинг частоталари ва шакллари аниқланган. Ҳисоб-китобларнинг асоси сифатида ғўлаларни рессорлаш қурилмасига эга DSA 250E ток қабул қилгичи ва юқори тезликда ҳаракатланиш учун КС-250-25-UZ осмаси қабул қилинган.

Кўриб чиқилаётган механик тизимнинг асосий тебранишлари частоталарини ҳисоблаш учун олинган формула қуйидаги кўринишга эга:

$$\omega = \pm \sqrt{\frac{c_{11}m + (c_1 + c_{11})m_{11}}{2mm_{11}} \pm \sqrt{\left(\frac{c_{11}m + (c_1 + c_{11})m_{11}}{2mm_{11}}\right)^2 - \frac{c_{11}c_1}{mm_{11}}}} \quad (15)$$



**8-расм. «Ток қабул қилгич – контакт осмаси» тизимининг алмашлаш схемаси:**  $m$ ,  $m_{II}$ ,  $m_o$  – ток қабул қилгичнинг кўтариш рамаси, ток қабул қилгич ғўласи ва контакт османинг мос равишдаги келтирилган оғирликлари;  $c_1$  – пружиналар ва уларни маҳкамлаш элементларини ўз ичига оладиган ток қабул қилгич пастки узелининг умумлаштирилган қаттиқлик коэффиценти;  $c_2$  – ток қабул қилгичнинг юқори узели ва контакт османинг қаттиқлик коэффиценти;  $y_1$  ива  $y_2$  – жисмларнинг мувозанат ҳолатидан вертикал силжиши

Қаттиқлик ва оғирлик катталикларининг миқдорий қийматларини қўйиб, таянчлараро оралик ўртасида ва таянч олдида «контакт осма – ток қабул қилгич» тизими тебранишларининг асосий частоталари қийматлари олинди (1-жадвал). Ушбу жадвал маълумотларининг таҳлили тизимдаги тебранишларнинг асосий частоталари  $m_0$  контакт османинг келтирилган оғирлигига боғлиқлигини кўрсатди.

Асосий тебранишлар частоталарининг формулаларини ўзгартиргандан сўнг  $y_1$  ва  $y_2$  мувозанат марказларига нисбатан силжишлар кўринишидаги тебранишлар учун қуйидаги ифодалар олинди:

$$y_1(t) = \frac{h}{\mu_2 - \mu_1} (\mu_2 \cos(\omega^+)t - \mu_1 \cos(\omega^-)t), \quad y_2(t) = \frac{h}{\mu_2 - \mu_1} \mu_1 \mu_2 (\cos(\omega^+)t - \cos(\omega^-)t). \quad (16)$$

1-жадвал


	Таянч олдида $c_k=320$ Н/м		Таянчлараро оралик ўртасида $c_k=220$ Н/м	
	$m_0 = 25$ кг	$m_0 = 55$ кг	$m_0 = 25$ кг	$m_0 = 45$ кг
$\omega^+$ , рад/с	22,71	21,66	22,71	21,91
$\omega^-$ , рад/с	2,62	2,15	2,62	2,28
$\nu^+$ , Гц	3,61	3,45	3,61	3,49
$\nu^-$ , Гц	0,42	0,34	0,42	0,37
$\mu_1$	-0,323	-0,198	-0,323	-0,226
$\mu_2$	1,058	1,064	1,058	1,062
$\mu_1 \cdot \mu_2 / (\mu_1 - \mu_2)$	-0,247	-0,166	-0,247	-0,187

$K=20$  кН тарангликка эга БрФ-120 контакт симдан ва  $T=15$  кН тарангликка эга ПБСМ-95 таянч тросидан ташкил топган КТда 160, 180, 200 ва 220 км/с тезликда Talgo (Афросиёв) электропоезди ўтиб кетганидан сўнг тўлқинли жараёнлари кўриб чиқилди.  $\psi(t)$  функциялари катта миқдордаги гармоникалардан ташкил топган бўлиб, улар Фурье қатори орқали ифодаланиши мумкин:


$$\psi(t) = \frac{a_0}{2} + \sum_{n=1}^{\infty} a_n \cos[\omega_0 n(t - t_1)], \quad (17)$$

бу ерда 
$$a_n = \frac{2}{t_2 - t_1} \int_a^b \psi(t) \cos[\omega_0 n(t - t_1)] dt \quad \text{и} \quad \omega_0 = \frac{\pi}{t_2 - t_1}.$$

Контакт симнинг тезликка боғлиқ ҳолдаги тебранишлари гармоникаларининг  $a_n$  амплитуда графиклари 10-расмда кўрсатилган.  $a_n = f(V)$  боғлиқликларнинг тузилган графикларини таҳлил қилиш натижаларига кўра тезлик ортиши билан барча гармоникалар камайиши ва контакт сим тебранишлари амплитудасига таъсир этмаслиги аниқланди. Фақатгина 2-гармоника узлуксиз ортади, бу эса уни камайтириш бўйича чораларни кўришни талаб этади.




**9-расм. «Ток қабул қилгич – контакт осмаси» тизимидаги асосий тебранишлар характери**



**10-расм. Электрпоезд ўтиб кетганидан сўнг контакт сими тебранишлари гармоникаларининг тезликка боғлиқлик графиклари**

«Ток қабул қилгичнинг контакт осма билан ўзаро таъсири моделини ишлаб чиқиш» номли тўртинчи бобда ток қабул қилгичнинг контакт осма билан ўзаро таъсирини моделлаштириш ҳамда контакт османи тақсимланган параметрларга эга тебраниш тизими сифатида кўриб чиқилгандаги ток олиш динамикасини ҳисоблаш усули, шунингдек ток олишнинг бузилиши билан кечадиган турли режимларда электр ёй жараёнларини математик моделлаштириш кўриб чиқилди.

КТнинг ишлаб чиқилган динамик модели даврий структура сифатида кўриб чиқилди, бунда такрорланадиган элемент сифатида КТнинг таянчлараро оралиқи олинди (11-расм).



11-расм. КТнинг ишлаб чиқилган динамик модели

Гамильтон принципини қўллаш асосида КО ва ТҚҚнинг ўзаро таъсирини таҳлил қилиш учун қуйидаги дифференциал тенглама олинди:

$$(g_1 + g_2)l \frac{\partial^2 q}{\partial t^2} + c_k q(t) = P(t), \quad (18)$$

бу ерда  $g_1, g_2$  – сим ва троснинг погонли оғирлиги;  $q(t)$  – контакт нуқтасининг оғишиши,  $P(t)$  – симнинг босиш кучи,  $c_k$  – контакт осма қаттиқлиги.


Ушбу математик модель асосида Maple дастури ёрдамида ҳаракатланиш тезлигига нисбатан контакт босишнинг  $\sigma(P)$  ўртача квадрат оғишиши ва ТҚҚ вертикал силжишнинг  $\sigma(q)$  ўртача квадрат оғишиши боғлиқликлари қурилди (рис 12, а, б).

Ушбу графиклардан 180-190 км/с дан ортиқ тезликда ушлаб турувчи трос таранглигини оширишнинг мақсадга мувофиқ эмаслиги тўғрисида хулоса қилиш мумкин.

Бир қанча ТҚҚларга эга электр транспортининг юқори тезликда ҳаракатланишида ток олиш динамикаси тақсимланган параметрларга эга тебраниш тизими сифатида намоён бўлиши кўрсатилган. Бунда бир қанча ТҚҚларнинг КО билан ўзаро таъсирини ўрганиш учун суперпозициялар усулидан фойдаланиш ҳамда бир қанча ТҚҚларнинг тебраниши тўғрисидаги

масала ечимини битта ТҚҚ тебраниши тўғрисидаги масаланинг ечими каби бажариш мумкин.

$T=15$  кН тарангликка эга ПБСМ ушлаб турувчи тросидан ва  $K=20$  кН тарангликка эга БрФ контакт симдан ташкил топган КТдаги меъёрий тебранишлар аниқланди ва EXCEL жадвалида (мухитида) алгоритм ишлаб чиқилди. ТҚҚнинг  $V=180$  км/с тезлик билан ўтишида КО симларида тебранишларнинг вужудга келишини математик моделлаштириш амалга оширилди. Частоталар герц бирликларидан ( $\nu_I=1,07$  Гц,  $\nu_{II}=2,067$  Гц) бошланиши аниқланди, бу эса электр ҳаракатланувчи таркиб кузовининг тебранишлари учун хос. ТҚҚнинг тебраниш частоталари османинг меъёрий тебранишлари частоталарига мос келганда, резонанс ҳодисалар вужудга келиши аниқланди. Резонанс соҳалари бир-биридан  $\Delta\nu\approx 8$  Гц масофада вужудга келади.



**12-расм. ЭХТнинг турли ҳаракатланиш тезликларида ва таянч троснинг турли таранглигида таянчлараро ораликдаги  $\sigma(P)$  контакт босишнинг (а) ҳамда контакт сим ва ТҚҚ  $\sigma(q)$  вертикал силжишларининг ўртача квадрат оғишлари (б)**


Ток олишнинг турли режимларида электр ёй жараёнлари кўриб чиқилди (13-расм).

Ёй токи  $i_a(t)$ нинг ифодаси олинди:


$$i_a(t) = j(t) - \int_0^i y_N(t - \tau) \left[ \left( \frac{l_a(\tau)}{G_a(\tau)} + R_i \right) i_a(\tau) + L_i \frac{di_a}{dt} \Big|_{i=\tau} \right] dt, \quad (19)$$

бу ерда  $R_i$  и  $L_i$  – электр ҳаракатланувчи таркибнинг эквивалент қаршилиги ва индуктивлиги;  $l_a(\tau)$  – полоз ва контакт сим ўртасидаги масофаси.

$i_a$ ,  $G_a$  ва  $d_{ia}/dt$  параметрлари учун берилган бошланғич шартлар асосида дастлабки тенгламаларни миқдорий ечиш учун Рунге-Кутта усулидан фойдаланилди. 14-расмда магнит майдонининг тортиш тармоғи билан яқинлашишининг турли кенгликларида кучланганликнинг амплитуда-частотали диаграммаси келтирилган. Ушбу диаграмма таъсир этувчи омилларнинг турли катталикларида радио тўсиқларни миқдорий баҳолаш мақсадида қўлланиши мумкин.



**13-расм. Электр ҳаракатланувчи таркиб юқори тезликли линиянинг ўзаро контактланувчи элементлари орасида ёй пайдо бўлгандаги алмашлаш схемаси: ТП – тортувчи подстанция; РЗ – релс занжири**



**14-расм.  $H(f)$  амплитуда-частотали диаграмма**

## ХУЛОСА

«Юқори тезликли электр ҳаракат таркиби ток қабул қилгичи ва контакт тармоғининг ўзаро таъсирини тадқиқ этиш» мавзусидаги техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Контакт симнинг силжийдиган ТҚҚ билан ўзаро таъсирида КОда турли частотали ва хар хил тезликда тарқалувчи югурувчи тўлқинлар ҳосил бўлиши аниқланди. Натижада «ток қабул қилгич – контакт осма» механик тизими учун асосий тебраниш частотасини ҳисоблаш формуласини келтириб чиқаришга эришилди.

2. Силжийдиган ТҚҚ таъсир этадиган КОнинг симларидаги тебраниш жараёнларини математик моделлаштиришда симларнинг оғирлик кучларини ҳисобга олган ҳолда тенгламаларни қўллаш зарурлиги аниқланди. Натижада маълум массасли КТ симлари учун парабола тенгламаси, симнинг эркин осилиш қиймати ва сим осилиш ҳолатидаги парабола узунлиги учун тенгламаларни олиш имконини берди.

3. ТҚҚ контакт симга таъсир қилган ҳолатда ушбу симнинг контакт зонасидаги таранглиги ТҚҚни статик босишга пропорционал тарзда камайиши аниқланди. Натижада ишқаланувчи қисм томонидан маҳалий куч таъсир қилганда юзага келган горизонтал кучнинг ўзгариши ва контакт симини имитация қилувчи маълум массали ип осилиши ифодасини олиш имконини берди.

4. Математик модел асосида конструктив хусусиятлари билан боғлиқ КО қаттиқлигининг ўзгариши 180 ка/соат тезликларда ток узатишнинг ёмонлашувига олиб келиши аниқланди. Натижада математик модел асосида ушлаб турувчи трос таранглигининг самарали қийматини олиш имконига эга бўлинди.

5. Ушлаб турувчи троснинг тебранишларида унда фақат бир жойда турувчи тўлқинлар вужудга келиши аниқланди ва уларни MathCAD программа математик моделлаштириш дастури ёрдамида ўрганилди. Натижада тебраниш жараёнида тахминан 8 Гц кенгликка эга частоталар чизиғи билан ажратилган кенг чизиқли резонансларни юзага келиш ҳолатларини бартараф этиш чора тадбирларини ишлаб чиқиш имконини берди.

6. КО симлари таранглигини ўзгартириш орқали КО динамик параметрлари моделлаштирилди. Натижада ток олиш сифатини ошириш мақсадида қайтарилган тўлқинларни сўндириш имконияти пайдо бўлди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ  
PhD.28.06.2018.Т.73.01 ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ИНСТИТУТЕ  
ИНЖЕНЕРОВ ЖЕЛЕЗНОДОРОЖНОГО ТРАНСПОРТА  
ТАШКЕНТСКИЙ ИНСТИТУТ ИНЖЕНЕРОВ  
ЖЕЛЕЗНОДОРОЖНОГО ТРАНСПОРТА**

**БАЯНОВ ИЛДАР НАЗИПОВИЧ**

**ИССЛЕДОВАНИЕ ВЗАИМОДЕЙСТВИЯ ТОКОПРИЕМНИКА И  
КОНТАКТНОЙ СЕТИ ПРИ ВЫСОКОСКОРОСТНОМ ДВИЖЕНИИ  
ЭЛЕКТРОПОДВИЖНОГО СОСТАВА**

**05.08.05 – Подвижной состав железных дорог, тяга поездов и  
электрификация**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2019**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2019.1.PhD/Т1030**

Диссертация выполнена в Ташкентском институте инженеров железнодорожного транспорта.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([www.tashiit.uz](http://www.tashiit.uz)) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)).

**Научный руководитель:** **Амиров Султон Файзуллаевич**  
доктор технических наук, профессор

**Официальные оппоненты:** **Гайибов Тулкин Шерназарович**  
доктор технических наук, профессор

**Валиев Мухаммад Шералиевич**  
кандидат технических наук, доцент

**Ведущая организация:** **ООО «Научно-технический центр» АО «Ўзбекэнерго»**

Защита диссертации состоится «\_\_» \_\_\_\_\_ 2019 г. в \_\_\_\_\_ часов на заседании Научного совета PhD.28.06.2018.Т.73.01 при Ташкентском институте инженеров железнодорожного транспорта (Адрес: 100167, г Ташкент, ул. Адилходжаева, 1. Тел.: (99871) 299-00-01; факс: (99871) 293-57-54; e-mail: [tashiit\\_rektorat@mail.ru](mailto:tashiit_rektorat@mail.ru)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского института инженеров железнодорожного транспорта (регистрационный номер \_\_\_\_). (Адрес: 100167, Ташкент, ул. Адилходжаева, 1. Тел.: (99871) 299-00-01.

Автореферат диссертации разослан «\_\_» \_\_\_\_\_ 2019 г.  
(протокол рассылки № «\_\_» от «\_\_» \_\_\_\_\_ 2019 г.).

**А.И. Адилходжаев**  
Председатель Научного совета по  
присуждению учёных степеней,  
д.т.н., профессор

**Я.О. Рузметов**  
Ученый секретарь Научного совета по  
присуждению учёных степеней, к.т.н., доцент

**Ш.С. Файзибаев**  
Председатель научного семинара при Научном совете по  
присуждению учёных степеней, д.т.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мире ведущее место занимают работы по модернизации взаимодействия токоприемника (ТК) и контактной подвески (КП), которые обеспечат безопасность движения высокоскоростных поездов, позволят разработать новые КП для обеспечения непрерывного электроснабжения подвижного состава. В этом направлении особое внимание занимает разработка дистанционных измерительных приборов для контроля и регулировки натяжения проводов контактной сети (КС), производство проводов КП и фиксирующих устройств контактной сети. В этой связи в развитых странах мира, таких как США, Франция, Германия, Япония, Китай и др., уделяют особое внимание совершенствованию устройств управления, а также модернизации устройств контактной сети и технологий, повышающих эффективность грузовых и пассажирских перевозок.

В мире ведутся научно-исследовательские работы по созданию контрольно-измерительных приборов и устройств для контроля взаимодействия ТК и контактной сети, а также повышения их надежности и качества. В этой области одной из важных задач считается разработка измерительных датчиков контроля вибраций колебаний токоприемника подвижного состава и КС, создание приборов контроля состояния проводов КП, создание метода расчета контактной подвески с сосредоточенными нагрузками. Вместе с этим, считается необходимым определение критериев качественного токосъема от величины натяжения проводов контактной подвески для поездов при высоких скоростях движения.

В нашей республике осуществляются меры по развитию различных сфер транспорта, в том числе разработка новых типов технических средств для контроля и управления технологическими параметрами высокоскоростных поездов. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан в 2017-2021 годах отмечены ряд задач, в частности: «...повышение конкурентоспособности национальной экономики, сокращение энергоемкости и ресурсоемкости экономики, широкое внедрение в производство энергосберегающих технологий, расширение использования возобновляемых источников энергии...»<sup>1</sup>. Реализация данных задач, в том числе разработка информационно-вычислительный комплекса фактического состояния КС в виде созданной структурной схемы измерительно-вычислительного комплекса, метода расчета волновых процессов в проводах контактной сети, математических моделей нормальных колебаний проводов контактной подвески и электродуговых процессов, является одной из важнейших задач.

Представленная диссертация в определённой степени служит выполнению Закона Республики Узбекистан «О железнодорожном

---

<sup>1</sup> Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 г. №УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

